

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНАДИ



## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНАДИ

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда ривожланган давлатларнинг бу соҳада амалга оширилган тадқиқотларини ўрганиб чиқиб, уларнинг тажрибасидан ўтган амалий ишларни Ўзбекистонга ҳам тадбиқ этишдир.

Бу борада, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида «Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз», деб барча тадбиркорларга руҳ ва эртанги кунига ишонч берди. 2016 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан, “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмасликни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлайди